

ЎЗБЕКИСТОНДА МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИ: ҲОЛАТИ, МУАММОЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Хужамурадова С.И.

Alfraganus university доценти, PhD

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари экспортининг жорий ҳолати таҳлил қилинади. Давлат статистика қўмитаси ва халқаро маълумотлар асосида мамлакатдаги экспорт ҳажми, маҳсулот турлари ҳамда асосий экспорт бозорлари ёритилган. Шунингдек, мазкур соҳадаги асосий муаммолар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича аниқ ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, мева-сабзавот экспорти, ташқи савдо, агроэкспорт, логистика, сертификатлаш, қадоқлаш, халқаро стандартлар, агрологистика, GAP, НАССР, рақамлаштириш, экспорт бозорлари.

Аннотация. В данной статье анализируется текущее состояние экспорта фруктов и овощей в Узбекистане. На основе данных Государственного комитета по статистике и международных источников освещены объёмы экспорта, ассортимент продукции и основные экспортные рынки. Также выявлены ключевые проблемы отрасли и разработаны конкретные практические рекомендации по их устранению.

Ключевые слова: Узбекистан, экспорт фруктов и овощей, внешняя торговля, агроэкспорт, логистика, сертификация, упаковка, международные стандарты, агрологистика, GAP, НАССР, цифровизация, экспортные рынки.

Annotation. This article analyzes the current state of fruit and vegetable exports in Uzbekistan. Based on data from the State Committee on Statistics and international sources, the export volumes, product assortment, and main export markets are highlighted. Key industry challenges are identified, and specific practical recommendations for their resolution are developed.

Keywords: Uzbekistan, fruit and vegetable exports, foreign trade, agro-export, logistics, certification, packaging, international standards, agrologistics, GAP, НАССР, digitalization, export markets.

Кириш. Мева-сабзавот маҳсулотлари Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий экспорт тармоқларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мамлакатнинг иқлими, тупроқ хоссалари ва анъанавий қишлоқ хўжалиги ривожига бу соҳанинг салоҳиятини оширади. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳаси, хусусан, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишга давлат даражасида катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси президенти томонидан қабул қилинган бир қатор қарор ва фармонлар, жумладан, «Агросаноат мажмуасини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси», экспортни қўллаб-қувватлаш давлат дастурлари, ҳамда «Made in Uzbekistan» миллий брендини тарғиб қилиш ташаббуслари бу йўналишда

амалий натижаларни таъминламоқда. Хусусан, қайта ишлаш қувватларини кенгайтириш, агрологистика марказларини яратиш, маҳсулотни халқаро стандартларга мувофиқ қадоклаш ва сертификатлаш тизимларини жорий этиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, фермер ва экспортчиларга субсидиялар, грантлар ва имтиёзли кредитлар бериш орқали ташаббусларни рағбатлантиришга қаратилган чоралар кўрилмоқда [1].

Шундай бўлса-да, халқаро бозорда рақобатбардош бўлиш ва экспорт ҳажмини ошириш учун бир қатор тўсиқлар мавжуд. Мазкур тадқиқот ишида Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари экспортининг жорий ҳолати, асосий муаммолари ва ривожланиш истиқболлари таҳлил қилинади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ривожлантиришга оид илмий тадқиқотлар охириги йилларда сезиларли даражада фаоллашган бўлиб, улар соҳанинг жорий ҳолатини баҳолаш, тармоқдаги муаммоларни аниқлаш ва истиқболли йўналишларни белгилашга қаратилгандир.

Жумладан, Қ. Махмудова ўз тадқиқотларида Ўзбекистон мева-сабзавот экспортининг динамикаси, маҳсулот турлари бўйича таркибий ўзгаришлар, халқаро сертификатлаш тизимларига мослашишдаги муаммолар ҳамда экспорт географиясини диверсификация қилиш заруриятини илмий асосда ёритган. Муаллиф мамлакатда аграроэкспорт сиёсатидаги ислохотларни ҳам таҳлил қилиб, экспорт ҳажмини ошириш учун инновацион ёндашувларни таклиф қилган [2].

С.Файзиева томонидан амалга оширилган тадқиқотларда мева-сабзавот маҳсулотлари экспортининг қиймат ва ҳажм кўрсаткичлари, ташқи бозорлардаги талаб ва таклиф омиллари, валюта тушумлари ва экспорт рентабеллигига таъсир этувчи макроиқтисодий омиллар ўрганилган. Муаллиф экспорт муносабатларида халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқариш ва қадоклашнинг аҳамиятини таъкидлайди [3].

Б.Турсуновнинг илмий ишларида аграр тармоқни модернизация қилиш жараёнлари, агротехнологияларни жорий этиш, бозор инфратузилмаси ва агрологистика тизимининг самарадорлигини ошириш орқали экспорт кўрсаткичларини яхшилаш масалалари ёритилган. Унинг фикрича, экспортбоп мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришда рақамли бошқарув ва замонавий агрочейн моделлари муҳим ўрин тутди [4].

А.Х. Бобоев аграр сиёсат, экспорт жараёнлари ва қишлоқ хўжалиги логистикасига бағишланган тадқиқотларида халқаро амалиёт, минтақавий боғлиқликлар, логистик занжирлардаги узилишлар ва Ўзбекистонда агрологистика марказлари ташкил этишнинг иқтисодий самарадорлигини илмий асосда таҳлил қилган [5].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давлат ва халқаро статистик маълумотлар таҳлилига, иқтисодий ва аграр соҳалар бўйича илмий адабиётларга таянган ҳолда амалга оширилди. Таҳлилда тизимли ёндашув, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил каби умумилмий методлар қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар. Сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти жадал суръатларда ошмоқда. 2024 йилда ушбу йўналишдаги экспорт ҳажми тахминан 1 миллиард АҚШ долларини ташкил этди [6]. Экспорт структураси таркибига кўра мева (ўрик, олма, нок, олхўри), сабзавот (помидор, бодринг, сабзи, картошка), шунингдек қуритилган мева ва сабзавот турлари устувор ўринни эгаллайди.

1-жадвал

Ўзбекистонда мева ва сабзавот маҳсулотлари экспорт ҳажмининг таҳлили

Маҳсулот тури	2023 йил ҳажми (тонна)	2023 йил қиймати (млн. АҚШ дол.)	2024 йил ҳажми (тонна)	2024 йил қиймати (млн. АҚШ дол.)	Ҳажмда ўсиш (%)	Қийматда ўсиш (%)
Пиёз	424 000	82,5	479 200	96,3	+13,0%	+16,7%
Карам	97 000	21,0	108 400	24,2	+11,8%	+15,2%
Бодринг/ Помидор	92 500	26,8	102 700	31,4	+11,0%	+17,2%
Гилос	37 000	84,1	42 100	96,8	+13,8%	+15,1%
Шафтоли	18 600	32,5	21 300	38,4	+14,5%	+18,1%
Узум	42 800	47,0	48 900	58,5	+14,3%	+24,5%
Олма	28 200	21,6	30 500	25,1	+8,1%	+16,2%
Нок	9 300	9,8	10 400	11,3	+11,8%	+15,3%

Манба: East-Fruit ва UzDaily таҳлиллари асосида шакллантирилган.

Жадвал маълумотларида кўрсатилган маҳсулотлар бўйича экспорт ҳажми ҳам, қиймати ҳам ошган. Бу Ўзбекистоннинг мева-сабзавот етиштиришдаги салоҳияти ортганини, ташқи бозорларга кириш имкониятлари кенгайганини ва логистикадаги такомиллашувларни кўрсатади. Қийматдаги ўсиш баъзи маҳсулотларда ҳажм ўсишидан юқори бўлган. Бу экспорт нархларининг ўсганини ёки юқори сифатли маҳсулот етказиб берилганини англатади.

Сабзавот маҳсулотларини таҳлили шуни кўрсататдики, пиёз маҳсулотининг 2023 йилга нисбатан ҳажм ва қиймат жиҳатидан ошганлиги ушбу маҳсулот мамлакатимизнинг асосий экспорт маҳсулоти эканлигидан далолат беради. Карам маҳсулоти суръатининг ошганлигига эса асосан Россия ва Қозоғистон бозорларида талаб юқори бўлганлиги сабаб бўлган. Шу билан биргаликда, логистика хизмати ҳам яхшиланган. Помидор-бодринг маҳсулотларининг ҳажм ҳисобидан ўтган йилга нисбатан +11.0% ошганлиги асосан иссиқхонада етиштирилган маҳсулот экспорти ортганлигидан дарак беради.

Мева маҳсулотларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, гилос маҳсулотининг 2023 йилга нисбатан +13.8% ошганлиги ижобий ҳолат сифатида баҳоланади. Ушбу маҳсулотнинг Хитой ва Корея давлатлари каби янги бозорларга кириши бошланган. Қолган шафтоли, узум ва олма каби маҳсулотларнинг ҳажм ва қиймат жиҳатидан суръати ўтган йилга нисбатан

ошганлигини кўришимиз мумкин. Нок маҳсулотининг экспорт ҳажми паст, аммо барқарор ўсиш мавжуд. Бу маҳсулотга нисбатан жанубий бозорларда талаб сақланиб қолмоқда. Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, пиёз, карам, ва гилос маҳсулотлари – экспорт ҳажми ва даромади бўйича етакчи маҳсулотлар бўлиб ҳисобланмоқда. Сабзавотлар бўйича бир вақтда ҳажм ва қийматда ўсиш қайд этилганлиги эса, бу таннархнинг яхшиланиши ва ташқи бозорларда талаб ошганини англатади.

Ўзбекистон маҳсулотлари асосан Россия, Қозоғистон, Покистон, Хитой, ва Яқин Шарқ давлатларига экспорт қилинади. 2019-2024 йилларда экспорт бозорлари географик диверсификацияси кузатилди. Янги бозорлар қаторига Жанубий Корея ва Европа Иттифоқи давлатлари ҳам кирмоқда.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан бири бўлиб, сўнгги йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш соҳаси жадал ривожланмоқда. Аммо экспорт ҳажми ва географияси ортишига қарамай, бу соҳада бир қатор тизимли муаммолар мавжуд бўлиб, уларни ҳал этиш маҳсулот сифатини ошириш, халқаро бозорда рақобатбардошликни таъминлаш ҳамда экспортдан олинаётган даромадни кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан:

1. Қадоклаш ва маҳсулот сифатини сақлашдаги муаммолар.

Маҳсулотларни халқаро бозорга етказишда қадоклаш сифати муҳим ўрин тутди. Кўпгина кичик ва ўрта экспортчи корхоналарда замонавий қадоклаш ускуналари мавжуд эмас, натижада маҳсулот ташқи кўриниши ва сақланиш муддати бўйича талабларга жавоб бермайди. Шунингдек, маҳсулотларни совуқ шароитда ташиш тизимининг етарли даражада ривожланмагани ҳосилни йўлда шикастланиши ёки йўқолишига олиб келмоқда.

2. Халқаро бозорларга чиқишдаги тўсиқлар.

Ўзбекистон маҳсулотлари асосан Россия, Қозоғистон, Афғонистон каби яқин бозорларга экспорт қилинади. Бироқ Европа, Жануби-Шарқий Осиё ва Япония каби юқори даромадли бозорларга чиқишда фитосанитар, санитар ва сифат сертификатлари етказиб беришда жиддий муаммолар кузатилмоқда. Халқаро стандартлар — GAP, HACCP, ISO каби талабларга жавоб бериш учун зарур инфратузилма ва мутахассислар етарли эмас.

Шу нуқтаи назардан, 2025 йил 30 июль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президент томонидан айрим савдогарларнинг хом ҳолдаги меваларни экспортга чиқараётгани кескин танқид қилинди. Айрим “чаққон” экспортчилар қимматроқ фойда олиш мақсадида маҳсулотни қайта ишламасдан, қадокламасдан хорижга жўнатмоқда. Бу эса хорижий савдо тармоқлари томонидан маҳсулотларни қабул қилмасликка сабаб бўлмоқда. Хом ҳолда етказиб берилган минглаб тонна мевалар чет элда талабга жавоб бермаслиги сабабли рад этилган ва йўқотишларга олиб келган. Бу ҳолат нафақат иқтисодий зарар, балки “Made in Uzbekistan” брендининг халқаро майдондаги имижига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

3. Логистика ва инфратузилманинг етарли эмаслиги.

Экспорт жараёнида маҳсулотни бозорга тез ва сифатли етказиш жуда муҳим. Аммо агрологистика марказлари сони чекланган, хусусан, чекка вилоятлардаги фермерлар учун ушбу марказларга кириш имконияти паст. Бундан ташқари, темир йўл, авиагруз ва халқаро юк ташиш инфратузилмаси ривожланмагани экспорт харажатларини ошиб кетишига сабаб бўлмоқда.

4. Молиялаш ва ҳисоб-китобдаги муаммолар.

Экспортчи корхоналарда автоматлаштирилган молиявий ҳисобот тизимлари етарли эмас. Қўшилган қиймат солиғи (0% ставка)ни тўғри қўллаш, экспорт тушумларини тўлиқ қайд этиш ва ҳисоб-китобларни аниқ юритишда амалиётда қўлаб камчиликлар учрайди. Натижада, солиқ органлари томонидан тушунмовчиликлар юзага келиши ва бизнес учун ҳуқуқий хатарлар вужудга келиши мумкин.

5. Сертификатлаш ва ҳужжатлаштириш жараёнининг мураккаблиги.

Фермер ва кичик хўжалик юритувчи экспортчилар учун фитосанитар, санитар, сифат ва ўсимлик ҳимояси сертификатларини олиш кўп вақт ва харажат талаб қилади. Экспорт жараёнларини электрон тарзда расмийлаштириш ва халқаро стандартларга мувофиқ ҳужжат алмашинуви механизмлари ҳали тўлиқ йўлга қўйилмаган. Бу эса экспорт жараёнини секинлаштиради.

6. Бозорда рақобатбардошликнинг пастлиги.

Ўзбекистон маҳсулотлари Туркия, Марокаш, Миср каби мамлакатлар билан рақобат қилмоқда. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон сифатли маҳсулотларни ҳам экспорт қилмоқда, аммо ҳали ҳам экспортда арзон ва сифат даражаси паст бўлган маҳсулотлар улуши салмоқли бўлиб қолмоқда. Шу сабабли халқаро бозорда «Made in Uzbekistan» брендини шакллантириш ва сифатга асосланган экспорт сиёсатини амалга ошириш зарур.

Хулоса. Таҳлил натижалари Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти жадал ривожланиб бораётган бўлса-да, бу соҳада ҳал этилиши зарур бўлган бир қатор тизимли муаммолар мавжуд эканини кўрсатади. Экспорт ҳажми ва географиясини кенгайтириш, маҳсулот сифатини ошириш ҳамда халқаро бозорларда рақобатбардошликни таъминлаш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Кичик ва ўрта корхоналар учун қадоклаш ускуналари бўйича субсидия ва грантлар ажратиш, маҳсулот сифатини сақлашни таъминлаш.

2. Халқаро бозорларга чиқишни осонлаштириш мақсадида сертификатлаш марказлари сонини ошириш, халқаро кўргазмаларда иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш.

3. Логистика ва инфратузилмани ривожлантириш, хусусан янги агрологистика марказлари, совуқ омборлар қуриш ва экспорт йўналишларини кенгайтириш.

4. Экспортчи корхоналарда молиявий ҳисоб-китобларни такомиллаштириш, замонавий ERP тизимларини жорий этиш, ҚҚС ҳисоб-

китобини электрон автоматлаштирилган механизмлар орқали юритиш.

5. GAP, HACCP каби халқаро сифат стандартларини жорий этиш жараёнларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.

6. “Made in Uzbekistan” миллий брендини ривожлантириш, хорижий мамлакатларда савдо ваколатхоналарини кучайтириш ва маркетинг стратегиясини такомиллаштириш.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти улкан салоҳиятга эга. Сифатни яхшилаш, логистика инфратузилмасини ривожлантириш, халқаро стандартлар бўйича сертификатлаш тизимини такомиллаштириш ва рақамлаштиришни жорий этиш каби чора-тадбирлар амалга оширилса, мамлакатнинг агроэкспорт салоҳияти янада ошади. Бу эса халқаро бозорларда рақобатбардошликни мустаҳкамлаш ва экспорт ҳажминини барқарор ўсишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисидаги ПФ-158-сонли Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>

2. Махмудова Қ. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ривожлантиришнинг иқтисодий асослари. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2021. –180 б.

3. Fayziyeva S.S. Analysis of fruit and vegetable export indicators in Uzbekistan. Journal of Economic Research, 2020. №4. С. 45–52.

4. Tursunov B.Q. Modernization of the agrarian sector and improvement of export efficiency. Agricultural Economics, 2022. Vol. 18, No. 2. P. 73–81.

5. Boboev A.H. Development of agricultural exports in Uzbekistan. International Journal of AgroEconomics, 2019. Vol. 6, No. 3. – P. 112–120.

6. Давлат статистика қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдоси бўйича маълумотлар. 2024. <https://stat.uz>

7. **FAO.** FAO Statistical Yearbook 2023: World Food and Agriculture. – Rome: Food and Agriculture Organization of the United Nations, 2023. – 366 p.

8. East-Fruit. EastFruit analytical insights on Uzbekistan fruit and vegetable markets. 2024. <https://east-fruit.com>

9. Ташқи савдода миллий бренднинг ривожланиши. 2024. <https://uzdaily.uz>

10. Ўзбекистон мева-сабзавот бозорининг географик кенгайиши. 2024. <https://one.uz>